

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 12 апрель • сешанба № 14 (1010)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Муносабат

Буюк келажак йўлида

қилинган ҳар бир иш миллатни миллат, давлатни давлат қилади

Президентимиз Ислон КАРИМОВнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобини ўқиб...

ЮРТИМИЗНИНГ ҳар бир жабҳасида кенг қамровли амалга оширилаётган ислохотлар натижасида давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берди. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустақкам ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий тизим яратилди. Бундан йигирма уч йил муқаддам Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган ҳамда умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамоҳанг бўлган Конституция-миз ҳаётимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқишда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” номли китобини ўқиб ўрганиш мобайнида, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “асрлар синовидан ўтган мана шундай ўлмас қадриятларга таяниб, ўз куч ва қудратига ишониб-инониб яшашётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтарма олмайди. Биз ўз мақсадларимизга албатта эришамиз ва кўзлаган марраларимизга албатта етамиз”, деб айтган гапларига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш билан

биргаликда, давлатимиз раҳбарининг йигирмадан зиёд сайловолди анжуман ва учрашувларида фикр-мулоҳазаларини, халқимиз истиқлолига фидойилигини, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туришни, улуг мақсадларга эришишни олий саодат ва ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган, улкан давлат арбоби, кенг тафаккур, мустақкам ирода ва эътиқод эгаси эканлигига амин бўламиз.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 қаратумдан зиёд ўсгани, мамлакатимиз аҳолиси 10,5 миллионга кўпайгани ҳолда, унинг даромадлари қарийб 9 баробар ошгани, одамларимизнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73,5



ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга узайгани, кейинги ўн йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотимиз 8 фоиздан кам бўлмаган суръатларда ўсаятгани йўқ, бизнинг йилларда ҳам бундан-да ижобий натижалар кутилган чиндан ҳам халқаро жамоатчилиқнинг, яқин

ва узоқ атрофимиздаги қўшни мамлакатларнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Президентимиз ушбу асарида бундай ижобий натижаларга осонликча эришилгани йўқ, бизнинг тақдиримиз ўта оғир ва хатарли бир замонда, турли хомхазиллардан воз кечи-б, бизга кўрсатилган

таъйиқ ва зўравонликларга қарамасдан, бугунги кунда тараққиётнинг “ўзбек модели”, деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиёти-ни шакллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур ўйланган ривожланиш йўлими-ни қатъий белгилаб ол-

нимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихий ютуғимиз бўлди. Ислохотларнинг машҳур беш тамойилига асосланган бу тараққиёт модели, биз танлаган тадрижий — эволюцион йўл нақадар тўғри ва самарали эканини бугун ҳаётимизнинг ўзи амалда исботлаб бермоқда.

2

Хабарингиз борми?

Амир Темур ҳақида янги китоб



Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази “DAVR PRESS” нашриёт-матбаа уйи билан ҳамкорликда “Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида” номли китобни нашр этди. Китобнинг масъул муҳаррири Акмал Сандов, тўзувчи Фулом Мирзо.

Президентимиз Ислон Каримовнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” номли асарида дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш ва ўрганиш масаласига жиддий аҳамият бериш зарурлиги қайд этилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобилиятимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Шу маънода, жаҳон адабиётининг дурдоналарини, жумладан, дунё адибларининг Амир Темур ҳақида яратган сара асарларини ўзбек тилига таржима қилиш гоят долзарб аҳамиятга эга.

“Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида” китобида Фарб адибларининг ёрқин намоёндалари — Кристофер Марло, Йоҳанн Волфганг Гёте, Эдгар Аллан По, Хорхе Луис Борхес, Иван Бунин, шунингдек, франциялик темиршунос олим ва адиб Люсьен Керен айни мавзуда яратган машҳур асарларнинг ўзбекча таржималари жамланган.

Мазкур китоб буюк давлат арбоби ва музаффар саркарда, моҳир дипломат ва бунёдкор зот, фан ва маданият ҳомийси Амир Темур таваллудининг 680 йиллик тўйига мўъжаз тўхфадир.

Хуршидjon ҚОДИРОВ,
“Туркистон-пресс” муҳбири

Сайлов ва сайловчи

Маҳалла қадриятлар ўчоғи

Энг муносиб номзодни сайлаш — масъулиятли жараён

ЮРТИМИЗДА фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўйбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Конституциямизнинг 105-моддасида ўзини ўзи бошқариш органларига икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайланиши белгиланди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги Қонуни билан Конституциянинг 32-моддасига фуқаролар жамияти ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга ошириши

бўйича ўзгаришлар киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларининг бугунги кунда ошқоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик ҳамда жамоавийлик, ўзаро ёрдам принциплари асосида фаолият олиб боришига кенг имкониятлар яратди.

Маҳалла институти давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда муҳим бўлиб келмоқда.

Сайловларда ҳар томонлама муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари этиб сайланиши, маҳаллаларни аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

2

Янги таҳрирдаги Қонун қабул қилинди



2015 йил 2 октябрда Қонунчилик палатасида қабул қилинган, 2015 йил 4 декабрда Сенат томонидан маъқулланган, 2016 йил 4 январь кунги Президентимиз томонидан имзолашиб, 2016 йил 5 январда кучга кирган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади

аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларни сифатли дори воситалари билан таъминлашга қаратилган.

3



Миллий матбуот марказида

Ким эдигу ким бўлдиқ?

ЮРТИМИЗ жамоли кундан-кун чирой очиб, байрамлар ўлкасига айланмоқда. Бугун буюк ўзгаришларни кўриш учун олимларга бориш шарт эмас. Негаки ватанимизнинг ҳар бир манзилида беҳисс бунёдкорликлар, янгиликлар юз берапти. Ўтмиш буюк, бугун фаровон, келажаги саодатли халқнинг орзу-мақсадларини, беҳисс имкониятларини дунёга тараққий эттишга ҳар бир истеъдод соҳибни масъул деб билади.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак марраларни зотб эътибор юртдошларимиздан қалбимиз гурурга тўлади. Бу каби хабарлар халқимиз учун оддий кундалик воқеаликка айланиб қолди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган “Ким эдигу ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мазмуниндаги тарбият тадбирларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича янгиликлар бағишланган матбуот анжуманида ҳам юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бунёдкорлик ишлари, мустақилликкача бўлган давр ва мустақилликдан сўнг эришилган ютуқлар бугунги кун ислохотлари билан қиёслашиб ишларга тушунчалар берилганлиги ҳақида фикр юритилди.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон
Халқ шоири:

— Таълим муассасаларимиздаги шароитларни кўриб гурурга тўламан. Беҳишёр ёшлигим кўз олдимдан ўтади. Синфоналарнинг поли ёриқларига оёқларимиз кириб кетган ҳолатлар ҳам бўлган. Тор ва қоронғи хоналарда, таълим шароитларига мутлақо тўғри келмайдиган муҳитда ўқиганимизни эслайман. Лекин бугун ундай эмас. Фарзандларимиз учун шароитлар етарли. Ёшлар ҳам она сути, ота тузининг масъулиятини ҳис қилгандек масъулиятни ҳис қилаётти. Қайси мактабда кирманг бир ёки икки нафар кўксига медали бор чемпионлар ёки олимпияда ва кўрик-танловлар ғолиблари, давлат мукофоти совриндорларининг борлиги шундан далolat эмасми. Фарзандлар кўзига қараганда ўзимизга “Кеча ким эдигу ким бўлдиқ”, деган саволи берамиз.



Тоҳир САИДОВ,
Ўзбекистонда
хизмат
кўрсатган
артист:

— Ёшларимиз бахтли. Лекин ҳар бирида мен эртага ким бўламан? Олий ўқув юртига кира оламанми? Ўз йўлини тўғри танлай биламанми қабилдаги ички иқолини ҳисси бор. Назаримда, ўтказилган тадбирлардан сўнг уларнинг руҳиятида ўзгариш бўлди. Ёшлар ўз шоири билан учрашди. Улар ҳар кун телевидение орқали томоша қилаётган актёрлари ёки қўшиқчилари билан жонли мулоқот қилди. Маърузачилар орасида саксонии қоралаган санъаткорлар ўз чиқишларида кечаги ва бугунги кунни ўз ҳаёти мисолида таққослаб сўзлашди. Шунингдек, ёш санъаткорлар шoirлар ўз ютуқларини мамнуният билан ҳикоя қилишди. Ва бу жонли мулоқотдан тадбир иштирокчилари ўзи учун мақсадли хулосалар чиқарди. Таассуротлари бойиди. Тарбия мавзуси, маънавий мавзуси ўйда, маҳаллада, мактабда ҳам ҳар кун айтилади, албатта. Аммо болаларга жонли мисоллар орқали севишли санъаткорлар ва шоирлари томонидан тушунтирилса, унинг таъсири янада юқори бўлади.

Шунингдек, тадбир ташкилотчилари томонидан учрашувларда ёшларни ватанпарварликка ундовчи, тинчлик ва оқилолликни кўз қорачиқидек асрашга даъват этувчи, гаразли ғоялар ва турли кулларнинг жинояткорона ҳаракатларини фoш этувчи “Ажал жодуси”, “Гумроҳлар”, “Жасур”, “Одноклассники.ру”, “Сотқин”, “Афғон”, “Балли Камолитдин”, “Шунқорлар” каби бадиий фильмларнинг намойиш этилгани таъкидланди.

Матбуот анжуманида тарғибот тадбирларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича биринчи босқич янгиликлар, мазкур тадбирларни жойларда янада юқори савида ташкил этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Бу борада таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Ҳақиқатан ҳам бир ўйлаб кўрганда — биз кеча ким эди-гу бугун ким бўлди, деган саволни ўзимизга бериб, кечаги ҳаётимизни бугунги кунимиз билан қиёслашганда, содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг асл маъно-мазмунига етиб боргандагина кўп нарса аққол аён бўлади. Ушбу асарда жуда ўринли, ҳаётий тажриба сино-видан ўтган ўтмишнинг аччиқ ҳақиқатлари аниқ ва равшан ёритиб берилган.

Бугун Ўзбекистон деб аталмиш кўргонимиз тарихан қисқа даврда пойдевори мустаҳкам, замон талабига жавоб берадиган давлатга айланиб бораётгани, энг асосийси, аввало, одамларимизнинг дунёқараши, фикру зикри, сиёсий ва ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи омиллардан бири эканини яхши англамоқдамиз.

Президентимиз бошчилигида мустақилликка тамал тоши қўйилди. Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш — барчамиз учун энг юксак шараф ва олий саодатдир.

Шу ўринда мустақиллик даврида аҳолининг турмуш

Буюк келажак йўлида

қилинган ҳар бир иш миллатни миллат, давлатни давлат қилади

шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшаш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан сўров ва тадқиқотлар ўтказилиб, "Бутунжаҳон бахт индекси"нинг рўйхати бўйича 158 мамлакат орасида давлатимиз 44-поғонада эканлиги, Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли "The Huffington Post" нашри "Ер юзининг сайқали" бўлиб келган Самарқандни жаҳондаги инсон ўз умри давомида албатта бориб кўриши зарур бўлган 50 та шаҳарнинг рўйхатига киритганлиги, ҳар иккала сўровнома натижасига кўра, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ўртасида ягона эканлиги эътиборга сазовордир. Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журналининг эътирофи этишича, Ватанимиз пойтахти — азим Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қўлайлиги жиҳатидан дунё рейтингда 140 та шаҳар ора-



сида 58-ўринни эгаллаши билан биргаликда, АҚШда фаолият кўрсатаётган катта обрўга эга бўлган, Гэллуп институти ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси", деган мавзуда 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, 142 минг шахснинг фикрини ўрганган. Мамлакатимиз бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганлигини ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан "Тинчлик элчиси" фахрий унвони берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз — мамлакатимизда янги ҳаёт, эл-юрт ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлол йиллари ана шу эзгу мақсад йўлида эришилган сал-

моқли ютук ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз бугун ҳар қанча фахрланса арзийди. Озод, эркин, мустақил юртимизга кўз тегмасин! Мамлакатимизнинг барча фуқаролари мустақил диёримиз раънақи, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз истиқболи йўлидаги эришилган улкан шарафли меҳнатларини, "Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобини ўқиш мобайнида Президентимиз Ислам Каримовнинг жасорати билан халқимиз ўзининг йўқотган эрки ва ҳақ-ҳуқуқи ва кадр-қимматини қўлга киритгани, эртанги кунга ишончи, бугунги хотиржамлигимиз, тинчлигимиз, гуруримизни тиклаб, ўз тақдиримизни ўзимиз яратиш билан биргаликда, буюк тарихимиз, улғу аجدодларимиз билан фахрланиш имкони яратилганлиги, она тилимиз, муқаддас динимиз, юксак маънавиятимиз жамият ҳаётида муносиб ўрнини топганлиги китобхонларга аниқ ва равшан ёритиб берилганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

Тўлқин ТЎХТАСИНОВ,
ИИБ Тошкент олий
ҳарбий-техника билим
юрти ўқитувчиси

Маҳалла қадриятлар ўчоғи

Энг муносиб номзодни сайлаш — масъулиятли жараён



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинларининг амалдаги раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат мuddати тугайди. Шу муносабат билан Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш мuddати 2016 йилнинг май-июнь ойлари эътиб белгиланди ҳамда сайловда республика бўйича 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайловини режалаштирилди.

Худди шундай, Сурхондарё вилояти микёсида бўлиб ўтадиган сайловларда 832 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 8464 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайловини режалаштирилмоқда. Бу эса жойларда сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида сайлов қонунчилиги талабларига тўлақонли амал қилинишини таъминлашда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига катта масъулият юклайди.

Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 5 мартдаги қарори ижроси юзасидан

Сурхондарё вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари юқори суръатларда амалга оширилмоқда. Хусусан, 2016 йил 15 мартда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг X сессияси бўлиб ўтди. Ушбу сессияда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси таркиби тасдиқланди. Термиз шаҳар ва туманлар Кенгашларининг навбатдаги сессиялари билан ҳудудларда ҳам тегишли комиссиялар тузилди.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишнинг самарали ташкил этиш мақсадида жойларда ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Таъкидлаш лозим, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби устувор вазифалар ижросини самарали таъминлаш лозимлиги объектив зарурат бўлиб, бўлажак сайловларда сайланадиган ҳар бир йиғин раисидан, унинг маслаҳатчиларидан юксак билим, малака ҳамда ташаббускорлики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан эса кучли масъулиятни талаб этади.

Кахрамон ХОЛМУРОВОВ,
Сурхондарё вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи

Таҳлил

ЎЗБЕКИСТОН мустақил тараққиёти даврида халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида бугунги кунда хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик олиб бормоқда.

Ушбу ҳамкорликлар натижаси ва мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг бугунги самарасини турли халқаро ташкилотлар, томонидан ҳам эътироф этилаётганлиги диққатга сазовор. Хусусан, Жаҳон банки томонидан 2015 йилда эълон қилинган "Глобал иқтисодий истиқболлар" мавзусидаги маърузасида ҳозирги вақтда дунёда иқтисодий ривожланиш суръатлари ноаниқлик хусусиятларига эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу маърузани тилга олишимизнинг сабаби шундаки, унга кўра, Ўзбекистон 10 йилдан бери иқтисодий ўсиш суръатлари 8 фоиздан юқори эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёт форуми маълумотларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиёти тез ўсаяётган 200 тадан кўпроқ давлатлар ўртасида бешинчи погонани эгаллаб турибди. Шу ўринда республикада иқтисодий ўсиш суръатлари 2016 — 2017 йиллар ва ундан кейинги даврларда ҳам 7,5-8 фоиздан тушиб кетмаслиги таъкидлаб ўтилганлиги бежиз эмас. Албатта, ушбу кўрсаткичлар жаҳон ҳамжамияти, халқаро молия ташкилотларининг эътирофи саналди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда меҳнат бозорининг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди. Меҳнатни татбиқ қилиш соҳаси ҳамда имкониятлари, ўзини ўзи иш билан таъминлаш қўламлиги кенгайди. Меҳнат фаолиятининг шакллари ва турлари хилма-хил кўринишга эга бўлди, мулкчилик ҳамда тармоқ шакллари бўйича ишловчилар таркиби ўзгарди, янги, одамлар учун янада қўлай бандлик шакллари пайдо бўлди.

Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳодимларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш каби масалаларга Ўзбекистон парламенти томонидан алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор. Фикримизни, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури қабул қилиниб, унинг самарали ижроси устидан назорат олиб бо-

Аҳоли бандлигини таъминлаш

ҳуқуқий ислохотлар самарасидир



рилаётганлиги ҳам тасдиқлайди. Мазкур дастурга мувофиқ Ўзбекистонда ҳар йили бир миллионга яқин иш ўринлари яратилиб, бунда асосий эътибор ёшларни, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига қаратилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган меҳнат соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар нафақат ўз фуқароларини, балки хорижий давлатлардан келиб меҳнат қилаётган чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган чораларнинг ишлаб чиқилганлиги келажак учун олдинга ташланган қадамлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда минглаб чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнат фаолиятини олиб боришмоқда. Бу, ўз навбатида, давлатимиз томонидан хориждан кириб келаятган мигрантларнинг меҳнат фаолиятига доир муаммоли масалаларнинг ечимини топишга қаратилган чораларни ишлаб

чиқишга ундайди. Давлатимиз дунёнинг ҳар бурчагидан меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида кириб келаяётган чет эл фуқароларига нисбатан меҳнат ҳуқуқларини Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан қабул қилинган конвенциялар ва меҳнатга оид халқаро стандартларга мос ҳолда таъминламоқда, бу борада миллий қонунчиликни мунтазам такомиллаштириш борасида ҳуқуқий ислохотларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Конституция-мизнинг 37-моддасида белгиланганидек: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимоялаш ҳуқуқига эгадир". Ушбу ҳуқуқий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 23-моддасида таъкидланган: "Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнатнинг адолатли ва қўлай шaroитлари бўлиши ва ишсизликдан ҳимоялаш ҳуқуқига эгадир", деган умумэътироф этилган нормага тўла мос келади. Миллий қонун-

чилик ҳужжатларида мазкур норма бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда — Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги (янги тахрири), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларда ҳам ўз ифодасини топган.

2015 йил 22-23 апрель кунлари Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этган хорижий экспертлар Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ислохотларни ва ҳодимларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни юқори баҳоладилар.

Ўзбекистон қонунчилиги кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда Ўзбекистонда меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар.

Чет эл фуқароларининг меҳнатини батафсил тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжат сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги

"Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида"ги қарорини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, ушбу қарор билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, "меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига келувчи хорижий фуқаро белгиланган тартибга мувофиқ шакл бўйича ва иш беришчи томонидан олинган рухсатнома асосида унинг номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси бўлгандагина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаши мумкин".

Чет эллик фуқароларга нисбатан рухсатнома бериш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлиги томонидан амалга оширилади. Мазкур низомда хорижий сармоя иштирокидаги юридик шахсларда меҳнат фаолиятини олиб боришга рухсат бериш, чеклаш ва имтиёзлар бериш тартиби белгиланган бўлиши мумкин.

Хулоса қилиш мумкинки, аҳолининг бандлик даражаси ҳамда меҳнат бозоридagi барқарорлик инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни баҳолаш мезонларидан ҳисобланса, мазкур масала ҳамон кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шaroитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълум қилишича, дунё бўйича ҳар йили биринчи марта меҳнат бозорига қираётган 40 миллион кишининг ва мавжуд 200 миллион ишсизнинг бандлигини таъминлаш учун яқин ўн йилликда 600 миллион иш ўрни яратиш вазифаси турибди.

Бекзод МУСАЕВ,
Тошкент давлат
юримдик университети
мустақил
тадқиқотчиси

Янги тахрирдаги Қонун қабул қилинди

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти:

Миллий қонунчилик, такомил ва амалий натижалар

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ миллий тараққиётга асос бўлиб келаётган концептуал ислохотларнинг туб замирида фақатгина битта мақсад ётади. Бу ҳам бўлса, ИНСОН, унинг манфаати, ҳаёти ва фаровонлиги. Инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат, кучли ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида одимлаётган Ўзбекистонда аҳолининг, жумладан, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш жамиятимизнинг бош мақсади айланган. Хусусан, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг 3,2 баробарга, ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 баробарга камайгани алоҳида аҳамият касб этади.

Агар 2005 йилда юртимизда мутлак соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб бу рақам 63 фоиздан ошди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг янги ҳисоботида қайд қилинишича, 1990-2015 йиллар мобайнида Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 фоиз қисқарган. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 7,5 йилга узайган.

Шу ўринда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Ченнинг "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида баён этилган кўйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. "Биз глобал инқирозлар кетма-кет содир бўлаётган мураккаб бир даврда яшаймиз. Иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши давом этмоқда. Аксарият мамлакатларда озик-овқат маҳсулотларининг нархи ҳаддан зиёд ошиб кетди. Бу, айниқса, кам таъминланган оилаларда етарлича тўйиб овқат емасликка сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда эса, ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттақили олиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланас арзийди".

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳоли соғлиқини сақлаш борасидаги кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

2016 йил 5 январда кучга кирган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги тахрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларни сифатли дори воситалари билан таъминлашга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши айтиш шунингдек алоҳида амалга оширилаётган ислохотларнинг манتيқий давом ҳисобланади.

Парламент аъзолари билан ушбу Қонун мазмун-моҳияти ва ундаги янги мезёрлар ҳақида суҳбатлашдик.

Ёқуб УМАРОВ —
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси:

— Мен қўйидаги рақамларга алоҳида эътибор қаратишни истардим. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда атиги 2 тагина фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, 30 га яқин турдаги дори воситаси ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда эса, юртимизда 117 та фармацевтика корхонаси мавжуд бўлиб, умуман томондан 1700 дан ортиқ турдаги дори воситаси, 175 турдаги тиббий буюм ва 44 номдаги тиббий техника ишлаб чиқарилаётган. Маҳаллий фармацевтика корхоналаридан 30 таси ISO 9001 халқаро сифат стандартини, 6 таси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган "Яхши ишлаб чиқариш амалиёти" стандартини (GMP) жорий этган. 20 та корхона томонидан дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатига фар-

мацевтика ва тиббий маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Хозирги кунда республикаимизда тегишли лицензияларга эга бўлган 5000 дан зиёд дорихона ва уларнинг 4000 га яқин филиали фаолият кўрсатмоқда. Айтиш пайтда 8000 га яқин турдаги дори воситаси, 968 турдаги тиббий буюм ва 1000 дан ортиқ турдаги тиббий техника рўйхатдан ўтказилиб, амалиётда қўлланилишига рухсат этилган ва давлат реестрига киритилган.

Дарҳақиқат, янги тахрирда қабул қилинган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун қўнанд-кунга ривожланиш бораётган шу соҳани бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожланишига, энг муҳими, аҳолига сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар, бир сўз билан айтганда, фармацевтик маҳсулотларни етказиб беришни тартибга солиди.

1997 йил 25 апрелдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, реализация қилиш, шунингдек, экспорт ва импорт қилишга оид нормалар фақатгина дори воситаларига тегишли эди. Юқорида таъкидлаганимдек, бугунги кунда мамлакатимизда тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар сони анча кўйлади. Шундан келиб чиққан ҳолда янги тахрирдаги қонунда "тиббий буюмлар" ибораси ҳам ўз ифодасини топгани алоҳида эътирофга молик.

Ўзбекистон 2006 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига (ЖССТ) дори воситалари ноҳўя реакцияларининг мониторинги халқаро дастурига ҳақиқий аъзо бўлиб қабул қилинган. Аммо шу пайтгача амал қилган қонунда "ноҳўя реакция", уларни аниқлаш, ўрганиш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш билан боғлиқ нормалар мавжуд эмас эди. Шу муносабат билан янги Қонун нормаларига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатига дори воситаларининг ноҳўя реакцияларини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни, яъни фармакологик назоратни амалга ошириш вазифаси ҳам қўшилди. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимида мазкур масалада тегишли тартибда иш олиб бориш, ноҳўя реакцияларни ўз вақтида аниқлаш ва инсон саломатлигини сақлаш йўлида тегишли қарорларни қабул қилиш учун қатъий юридик асос бўлади.

Халқаро тажрибага кўра, ҳар бир мамлакат ўзининг Давлат фармацевтика тизимини тасдиқлайди ва нашр этади. Умумий фармакопея мақоласи дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг сифатига, доривор ўсимлик хомашёсининг, дори воситаларининг сифатини назорат қилишда фойдаланиладиган реактивларга, дори воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган жойлаш ва ўраш материалларига қўйилган умумий талабларни белгилайди. Давлат фармакопеяси тўғрисидаги модданинг янги тахрирдаги қонунга киритилиши, дори воситалари, тиббий буюмларнинг хавфсизлиги ва сифати бўлган ягона ёндашувнинг қонунчиликда бошқарилиши, шунингдек, мамлакатда фармацевтика саноатининг янада ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратди.

Мавлюда ҲУЖАЕВА —
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси:

— Юқорида Сенат аъзоси томонидан таъкидланганидек, мамлакатимизда дори воситалари ва фармацевтика соҳасига йўналтирилаётган чет эл инвестициялари ҳажми йилдан-йилга ор-

тиб, халқимизни сифатли дори билан таъминлаш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика саноати ички бозорнинг учдан бир қисmini маҳаллий дори воситалари билан таъминламоқда.

Фармацевтика саноати изчил тараққий этаётгани, дори воситалари муомаласи, улардан тиббиётда фойдаланиш жараёнларида қўллаб-қўллашчиликни такомиллаштиришни тақозо этди. Шу мақсадда қабул қилинган янги тахрирдаги қонунда қўллаб-қўллашчилик жорий этилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги ваколатлари аниқ ва батафсил ёритиб берилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласи, ушбу фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш, дори воситалари, тиббий буюмлар хавфсизлигига тааллуқли мезёрли ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш каби бир қатор долзарб вазифаларга доир ваколатлари кенгайтирилди. Дори воситаларининг сифати ва хавфсизлиги, фармацевтика фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш белгиланди. Бундан мақсад инсон саломатлигини муҳофазага оид чора-тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш, қўллаб-қўллашчиларни дори воситалари тарқалишининг олдини олишдир.

Янги тахрирдаги Қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, юртимизда кейинги йилларда кенг ривожланган дорихоналар тармоғи билан бевосита боғлиқ, Маълумоти, дорихоналарнинг аксарияти хусусий тармоқ улushiга тўғри келаётгани бу соҳада тадбиркорлик жадал ривожланаётганидан далolat беради. Айтиш керак, бугунги кунда замонавий андазалар даражасида барпо этилган дорихоналар халқимизга самарали хизмат кўрсатмоқда. Ушбу масканларнинг инсон саломатлигини асрашдаги аҳамияти эътиборга олиниб, Қонунга "Дорихона", деб номланган янги модда киритилди. Ушбу моддада дорихонанинг ваколатлари, уни бошқариш, фаолиятига қўйилган шартлар ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ мезёрлар ўз ифодасини топди. Айтиш пайтгача амалдаги қонунчилигимизда дорихонанинг ташкилий тузилмаси "муассаса" тушунчасига тўғри келарди. "Муассаса" деганда фақатгина, даволаш-профилактика муассасаларининг бюджет ҳисобидан фаолият кўрсатувчи дорихоналари тушуниларди. Бинобарин, мазкур ҳолат хусусий тадбиркорлик йўлида тўқиб бўлиб турган эди. Шунинг билан олган ҳолда дорихона дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш, уларни тайёрлашни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахс ва унинг бўлинмаси шаклида ташкил этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шу кунгача дорихоналарни фақат олий маълумотли фармацевт бошқаришига рухсат берилар эди. Мамлакатимизда ўрта махсус таълим тизимининг ривожланиши натижасида бугунги кунда тиббиёт коллежларида ҳам соғлиқни сақлашнинг турли йўналиши билан бир қаторда фармацевтика соҳаси учун маълумоти мутахассислар тайёрланмоқда. Замонавий тиббиёт ютуқларини пуқта эгаллаган бундай мутахассисларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш соҳа тараққиётини белгилөөчи муҳим мезонлардан биридир. Шу жиҳатлар инобатга олиниб, янги тахрирдаги Қонун дорихона филиалларида олий маълумотли мутахассислар билан бирга, ўрта махсус маълумотли фармацевт ассистентлар ҳам мудирилик қилиши мумкин, деган янги норма билан тўлдирилди.

(Давоми келгуси сонда)

Давра суҳбатини журналист Арслон ЭШМУРДОВ тайёрлади.

Талқин

Йўналинссиз таксилар фаолияти

назоратсиз эмас

ЮРТИМИЗДА автомобиль транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солиш ҳамда ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустақамлангани ва унинг ижросига доир ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, қимматли вақтимизни тежаб, узоримизни яқин, оғиримизни енгил қилайдиган автотранспорт воситалари кундалик ҳаётимизда бизга бир қанча қўлайликлар яратмоқда.



Таъкидлаш жоизки, йўналинссиз таксилар томонидан йўловчилар ташвиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифати ва хавфсизлигини ошириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналинссиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарор билан йўналинссиз такси сифатида фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соҳ ҳолатда бўлиши ва автомобиль транспортида йўловчилар ва қўлаш қўйилган давлат белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши билан биргаликда мазкур автотранспортлар ташки ва ички маълумотларга эга бўлишлари керак.

Яъни, ташки маълумот берувчи автомобиллар йўлдамаларни ўз ичига олади:

Машинанинг тепасига ўрнатилган тўқ сариқ рангли фонарга "ТАХИ" таниш белгиси ўрнатилиши, шахмат тартибда жойлаштирилган қора квадратлардан иборат бўлган композиция ва машинанинг олдинги эшикларидидаги "Т" ҳарфлари, автотранспорт воситасининг олдинги эшикларидидаги такси корхонаси (юридик

шахс) нинг номи, йўналинссиз таксилар учун мўлжалланган махсус сериядаги давлат рақами белгиси, шунингдек, йўналинссиз таксилар фақат Тошкент шаҳри учун — "Фил суяги" рангида, бошқа барча вилоятларда сариқ рангга бўялади.

Ички маълумот белгилари эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

Олд ойнанинг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилган яшил рангли ёритиш чироғи, автомашинанинг давлат рақами белгиси, ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва фотосурати, иш вақтининг бошланиши ва тугаши, йўлқира қиймати (сўмда), такси корхонасининг манзили ва телефон рақами, лицензия карточкасининг рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, мажбурий суғурта қилинганлик ҳақидаги маълумот кўрсатилган маълумотлар таблицаси ўрнатилиб, ушбу таблица автотранспорт воситаси приборлари панелига, йўловчилар бемалол ўқий оладиган ҳолатда ўрнатиладиган бўлиши лозим.

Мавлюда ЧИМБЕРГЕНОВА,
Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати бош мутахассиси

Танлов

Ғолиб жамоалар

вилоят бошқирмига йўлланма олди

ЁШЛАРНИ юртимиздаги сиёсий жараёнларга мустақил муносабатларини шакллантириш, Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Бухоро вилоят адлия бошқармаси, "Камолот" ЁИХ Когон туман Кенгаши ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамкорлигида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг маҳаллий босқичи бўлиб ўтди. Ушбу кўрик-танловда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат 4 та жамоа иштирок этиб, белгиланган тартибда ўзаро беллашдилар.

Мазкур жамоалар ўзи таҳсил олаётган таълим муассасасида яратилган шартлар, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган таъкидларни кўргазмалли тарзда намойиш этишди. Шунингдек, кўрик-танлов шартларига мувофиқ ҳакамлар ҳайъати томонидан тузилган саволларга ҳақиқий билан жавоб бериш баробарида, олдиндан берилган мавзулар видеоролигини намойиш этиб, жамиятда учрайдиган айрим ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни саҳнавий кишилар орқали атрафлича ёритиб беришди.

Натжаларга кўра, 1-ўринни Когон туман Маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг "Истиқлол қалқонлари" ҳамда Мактабга таълим касб-ҳунар коллежининг "Ёш юрист консультантлар" жамоалари қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

Танлов ақнида барча жамоа вакиллари "Камолот" ЁИХ Когон туман Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ирода АВЕЗОВА,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Когон туман Кенгаши раиси

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 26 мартдаги 122-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "XUSENOV K.M." адвокатлик фирмаси ва адвокат Рахмонов Муҳаммад Урғабдай ўртасида тузилган мекан шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлар тўғрисида"ги Қонуни 131-моддасига асосан (адвокат томонидан ўз оидан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил эттувчи қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган даврга) унинг адвокатлик мақоми тўқтилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 22 мартдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Со-уфийон илҳолатлари ижтимоий" адвокатлик фирмасига ишга киргунга мўлжаллаб бўлиб адвокат Умаров Дилшод Буривонига адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 26 февралда берилган К5 000129-серия рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бекор қилиш ва адвокатлик мақомининг амал қилиши тўғрисида 2016 йил 29 мартдаги 83/84-ум-сонли буйруғи билан қатъиян тўқтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 131-ва 15-моддаларига мувофиқ 2014 йил 7 апрелда берилган ҚР №000163-сонли адвокатлик лицензиясига эга "NIZAM USTINLIGI" адвокатлик ҳайъати адвокати Хожаевот Мавдатбай Кадырович ва 2014 йил 25 ноябрда берилган ҚР №000175-сонли адвокатлик лицензиясига эга "VICTORY NUKUS" адвокатлик фирмаси адвокати Қоснавова Гулнора Ибройевова-лар Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан тегис олиб борилаётган жиноят иши бўйича айбланувчи тартиқасида жалб этилганлиги боис, суд ҳукми қонун қучи киргунга қадар ёқуд реабилитация қилишчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарлидан оқд этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги қадар адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бекор қилиш ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 29 мартдаги 83/84-ум-сонли буйруғи билан қатъиян тўқтилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлар тўғрисида"ги Қонуни ва Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 1-апрелдаги 67-ум-сонли буйруғига асосан Қашқадар туманидаги "BUKHARA ONLINE ADVOKAT" адвокатлик фирмаси адвокати Наврозов Комил Ортиқовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бекор қилиш ва адвокатлик мақоми тўқтилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлар тўғрисида"ги Қонуни ва Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 1-апрелдаги 68-ум-сонли буйруғига асосан Қашқадар туманидаги "OOLINUR-NIMOYA KAPOLAT" адвокатлик фирмаси адвокати Кенжаев Шерали Шариповичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бекор қилиш ва адвокатлик мақоми тўқтилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 02.03.2016 йилдаги 72-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "LAWYER ZULFINUR" адвокатлик фирмаси адвокати Махмудов Уйғун Собировичга бошқарма томонидан 13.04.2015 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ўз оидан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил эттувчи қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўқтилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 05.03.2016 йилдаги 77-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ADOLAT USTVORIGI SARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Сидиков Хайру Умаровичга бошқарма томонидан 03.07.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ўз оидан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил эттувчи қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўқтилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 10.03.2016 йилдаги 81-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "OLAMOUR-NIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Абдикодиров Умирсина Рахимовага бошқарма томонидан 30.09.2015 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ўз оидан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил эттувчи қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўқтилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 28 мартдаги 10-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "Малаҳли ҳимоя" адвокатлик фирмаси адвокати Раёлов Умирсина 2011 йил 6 декабрда берилган ҚЗ №000105-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бекор қилиш ва адвокатлик мақоми тўқтилди.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 25 мартдаги 87-ум-сонли буйруғига асосан "QALQON O'G'ONQO'R" адвокатлик фирмаси адвокати Дунонов Ботир Атабековичга Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 ноябрда берилган НЗ 000098 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бекор қилиш ва адвокатлик мақоми тўқтилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2008 йил 31 мартдаги 85-м-сон буйруғи билан таъкидланган "Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик фирмаси давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 15 ва 16-бандларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 1-апрелдаги 91-ум-сонли буйруғи билан "NIZAM USTINLIGI" адвокатлик ҳайъати адвокати Бекмуратов Рабат Айтибаевичга 265-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилди.


Юристар малакасини ошириш маркази жамоаси Марказнинг бўлим бошлиғи Ўткир Жалоловага асосан Исомиддин ЖАЛОЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

қонуний асослари


Янги қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамда давлат органлари ва муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шунчаки санаб ўтилмаган, балки

Гулбаҳор ОРТИҚҲҶАЕВА,
“Адолат” нашриёти муҳаррири

Хизматлар лицензияланган.



— Истиқлол ҳақиқий маъно
ларимиз учун кенг имконият
ни очиб берди. Бугун юрти
ларга татиғулик бунёдкор
амалга оширилмоқда. Мана и
шларга қанот бўлишга ҳар
дошимиз ҳақи. Меҳнат қилган
дейди доно халқимиз. Чинд
дай, бугун давлатимиз томон




Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Сармоялар тадбиркорлик ривожига

ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Республикаимиз иқтисодиёти, ҳусусий мулкнинг ўрни ва ролини кенгайтириш, ҳусусий мулк ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни йўқотиш, иқтисодиётда диний эътиқодларни камайтириш, ялпи маҳсулотда ҳусусий мулк, жумла

верса, мамлакат куч-қудратини оширишга муносиб улуш қўйиш барибариди, ушбу сармоялар эвазига қўшимча қўлаб янги иш ўринлари яратилиб, шаҳардаги ёшлар, айниқса, касб-хўнар коллежлари биттирувчилари иш билан таъминландилар.

дидик ва республикани амалга ошириш мақсадида республикамизда етакчи банклардан бири бўлмиш "Асака" банкнинг Тошкент шаҳар филиалига мурожаат этдик. Банк жамоаси кредитга бўлган та-

— Тадбиркорлик ҳаракати учун кулай муҳит яратиб берилгани, соҳага кўплаб имтиёзлар татбиқ қилинаётгани муҳим омил бўлди. — дейди **"Ника Фарм"**

Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан тадбиркорлиқни ривожлантириш, ундан фойдаланиш имти-зорлардан самараларни қайтартириш учун барча имкониятлар мавжуд. Касб-ху-нар банк Тошкент шаҳар филиали мутахас-сислари касб-хунар коллежлари, бити-рувчиларини иш билан таъминлаш ма-қсадида таъшиқ этилган турли анжуман-лар ва тадбирларда фаол иштирок эт-моқдалар, ёш тадбиркорларга имтиёз-ли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сер-тификатлар топширилмоқда. Жумладан, битирувчи-ёшларга уларнинг бизнес-юғяларини ҳаётга татбиқ этиш учун мо-лиявий кўмак бериш мақсадида "Дип-лом билан бизнес роға" номли имти-ёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Президентимиз тўмонидан би-

(Ўз мухбиримиз)

(Ўз мухбиримиз)

Хизматлар лицензияланган.

www.miniust.uz 0081-роқон

Бош
уҳаррир
Қўчқор
ОРҚОБИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Анвар Акрамович	Мамадалиев Зайниддин Очилович
Очилов Алижон Мухлисевич	Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи
Ўрбек
ИСКАНДАРОВ
ахифаловчи-
дизайнер
Тўлқин

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва ахфаланди. А-2 бичимда, 4 босма табэк ҳафтада, офсет ашириёт матбаа иходиий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Тиражи — 21951.
Буюртма S-5648.
Толшириш вақти — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-19-74,
Факс: 268-19-31
Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси келишилган нархда